

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

## ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

### Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



### Мажбурий аудиторлик текширувлари: нималар ўзгаради

22.01.2020 йилдаги ЎРҚ-603-сон Қонун билан «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги қонунларга тузатишлар киритилди.

Эслатиб ўтамоқчи, 2018 йилнинг сентябрь ойида Президент аудиторлик фаолиятини янада ривожлантиришга доир қарорни имзолаган эди. Ушбу ҳужжатда назарда тутилган чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда (2019 ва 2020 йилларда, тахр.), сабаби бунинг учун жумладан қонунларга тузатишлар тайёрлаш ва қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш лозим эди.

Хусусан, Президент қарорининг бандларидан бири билан 2020 йил 1 январдан бошлаб ҳисобот йили якуни бўйича қуйидаги шартлардан бир вақтнинг ўзида иккитасига жавоб берган тижорат ташкилотлари ҳам ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим:

➢ активларнинг баланс қиймати БҲМнинг 100 000 баробар миқдоридан ортиқ бўлса;

➢ маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушум БҲМнинг 200 минг баробар миқдоридан ортиқ бўлса;


➢ ходимларнинг ўртача йиллик сони 100 кишидан ортиқ бўлса.

Бироқ қонун ҳужжатларига киритилган тузатишлар Президент қарорининг юқорида кўрсатилган нормаларидан қатор жиҳатлари билан фарқ қилади:

**биринчидан**, фақат битта мезон – активларнинг баланс қиймати белгиланган. Ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш учун у БҲМнинг 100 минг баробар миқдоридан, яъни 22 300,0 млн сўмдан (*материал эълон қилинган санада*) ортиқ бўлиши керак. Тушум ва ходимларнинг ўртача йиллик сони бу ҳолатда инобатга олинмайди;

**иккинчидан**, тузатишлар қарордан келиб чиққанидек тижорат ташкилотларининг барчасига ҳам эмас, балки фақат масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятларга тааллуқли. Акциядорлик жамиятлари, кредит ва сугурта ташкилотлари, инвестиция фондлари, биржалар, давлатга тегишли улушга эга субъектлар ва ДУКлар активлар миқдоридан қатъи назар мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилишини эсдан чиқармаслик керак (*«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси*);

**учинчидан**, ўзгартиришлар 1 январдан эмас, бал-



ки 2020 йилнинг 24 апрелидан амалга киритилади (*тузатишлар эълон қилингандан эътиборан уч ой ўтгач, тахр.*).

Акциядорлик жамиятларига доир янгиликлар ҳам мавжуд. Энди мустақил ташқи аудиторлик ташкилотлари АЖЛарнинг йирик битимлари ва соф активлари қиймати АЖЛарнинг соф активлари қийматининг 10%и ва ундан кўпини ташкил этадиган уларнинг аффилиланган шахси билан битимлари шартларини ўрганадилар. Бунда баҳолаш ташкилоти томонидан аниқланган мол-мулкнинг бозор қиймати инобатга олинади. Аудитсиз бундай битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш мумкин эмас. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга тегишли қўшимчалар 23 январдан кучга кирди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) расман эълон қилинган ва 23.01.2020 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

### Кичик бизнес бўйича агентликнинг вазифалари белгиланди

Ўзбекистон Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги тўғрисида низом тасдиқланди (*ВМнинг 16.01.2020 йилдаги 28-сон қарорига 1-илова*).

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигини (*кейинги ўринларда – Агентлик*) ташкил этиш Президентнинг 13.08.2019 йилдаги ПФ-5780-сон Фармонида (11-банд) назарда тутилган, Президентнинг 13.08.2019 йилдаги ПҚ-4417-сон қарори билан эса унинг бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони 28 нафардан иборат бўлган тузилмаси тасдиқланган.

Агентлик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг кенг табақаларини бизнес билан шугулланишга жалб этиш,

бошланғич капитал манбаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш тизимини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш соҳасида ваколатли давлат органи ҳисобланади. Агентлик – Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (*кейинги ўринларда – Вазирлик*) таркибий бўлинмаси бўлган юридик шахс ҳисобланади ва унга ҳисобот беради. Вазирлик Агентлик фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлайди.

Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

➢ кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликнинг барча шакллари ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

➢ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат дастурларини ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

➢ ваколатли давлат органлари ва ташкилотларининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга рағбатлантириш, бизнес муҳитини яхшилаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни ташкил этиш;

➢ ишбилармонлик муҳитининг жорий ҳолатини ўрганиш, шу жумладан, сўровномалар ўтказиш асосида, ҳамда ер участкалари тақдим этиш ва қуриш-монтаж ишларини бажариш тартиб-таомилларини соддалаштириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик

субъектларининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси, бошқа моддий-хомашё ва молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш, шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган бюрократик тўсиқлар ва ғовларни бартараф этиш бўйича тақлифлар тайёрлаш;

➢ бизнесни кенгайтиришни рағбатлантиришга, қўшимча қиймат яратишнинг яхлит занжирларини шакллантиришга, замонавий технологияларни ўзлаштиришга, экспортни кўпайтиришга, доимий иш ўринларини яратишга йўналтирилган натижага қаратилган восталарни жорий этиш;

➢ кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларига кафиликлар ва кафолатлар, шунингдек, тижорат банклари кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация бериш шаклида молиявий ёрдам кўрсатиш;

➢ йирик ишлаб чиқарувчилар томонидан кичик ва ўрта корхоналар – оралик товарлар ва хизматлар (хом ашё, бутловчи қисмлар ва бошқалар)ни етказиб берувчилар фаолиятини, шу жумладан, тижорат банклариди мақсадли депозитлар очиб ҳисобига молиялаштириш механизмларини жорий этиш;

➢ кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қонунчилик, янги технологиялар ва маҳсулотлар, бозорлар ва бошқа долзарб масалалар бўйича номолиявий қўллаб-қувватлаш (бепоул телефон ва



Ушбу сонда:

3-6-БЕТЛАР

ЯСТ ҳисоб-китоби:  
бошқа даромадларни ҳисобга олиш

7-БЕТ

Статистика ҳисоботлари  
қачон топширилиши керак?

8-БЕТ

Касалхона кўчирмаси асосида  
компенсация олса бўлади

2-бетда





## Кичик бизнес бўйича агентликнинг вазифалари белгиланди

онлайн-маслаҳат хизматлари, ўқув марказлари, бизнес-инкубаторлар, ахборот хизматлари ва бошқалар) тизimini шакллантириш;

➤ халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш лойиҳаларини амалга ошириш, уларга техник ва маслаҳат кўмагини ташкил этиш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш;

➤ бизнес омбудсман ва Бош вазирнинг тадбиркорлар муносабатларини кўриб чиқиш бўйича қабулхоналари билан кичик бизнес ва тадбиркорликни ри-

вожлантириш бўйича давлат ва ҳудудий дастурларни тайёрлаш, ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишда яқиндан ҳамкорлик қилиш.

Агентликка Бош вазирнинг тақдимномаси бўйича Президент томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор – иқтисодиёт ва саноат вазирининг ўринбосари бошчилик қилади. Вазирлар Маҳкамаси директорнинг икки нафар ўринбосарини, шу жумладан биринчи ўринбосарини лавозимга тайинлайди ва ундан озод этади.

Идора Давлат бюджетни, Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг қўшимча даромадларининг бир қисми, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

Агентлик бошқарув ходимларига нисбатан Вазирликнинг марказий аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя шартлари татбиқ этилади.

## Бизнесни қўллаб-қувватлашнинг тартиби ва шакллари белгиланди

**ВМнинг қарори билан Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисида низом ҳам тасдиқланди (16.01.2020 йилдаги 28-сон қарорга 2-илова).**

*Эслатиб ўтамиз, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги таркибига ўтказилган (Президентнинг 13.08.2019 йилдаги ПФ-5780-сон Фармони билан 23-банди). У ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва шартномалар бўйича ВМ ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.*

Жамғарма – давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс, Агентлик ва Президентнинг 17.08.2017 йилдаги ПҚ-3225-сон қарори билан ташкил этилган Жамғармани бошқариш бўйича кенгашга ҳисобот беради.

Қуйидаги шаклларда молиявий ёрдам кўрсатиш Жамғарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун кредит миқдорининг 50%игача (50%и ҳам шу жумлага қиради), бироқ БҲМнинг 100 бараваридан ортиқ бўлмаган тижорат банклари кредитлари бўйича кафилиги бериш;

б) тижорат банкларининг кредитлари бўйича кредит суммасининг 50%игача (50%и ҳам шу жумлага қиради) миқдорда кафилиги бериш, бироқ 8 млрд сўмдан ортиқ эмас;

в) тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизли харажатларни қоплаш учун компенсация бериш, шу жумладан:

➤ суммаси 10 млрд сўмдан ортиқ бўлмаган МБнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 1,5 бараваридан ошмайдиган фоизли ставка билан қайта молиялаштириш ставкасидан ортиқ бўлган, бироқ 5 фоизли пунктдан ортиқ бўлмаган қисми бўйича миллий валютада;

➤ чекка ва тоғли туманларда, шунингдек, «Обод қишлоқ» дастури доирасида амалга ошириладиган суммаси 10 млрд сўмдан ортиқ бўлмаган лойиҳалар учун – 8 фоизли пункт миқдоридан қайта молиялаштириш ставкасининг 1,5 баравари миқдоридан ортиқ бўлмаган фоизли ставка билан миллий валютада;

➤ суммаси 10 млрд сўмга тенг миқдордан ошмайдиган хорижий валютада – тижорат банклари томонидан белгиланган фоизли ставканинг 30%игача миқдорда, бироқ 3 фоизли пунктдан ортиқ эмас;

➤ хорижий валютада – иссиқхоналар қуриш, интенсив боғлар яратиш ва совутичлар қуриш учун 2017 йил 5 сентябргача халқаро молия институтларининг кредит линиялари ҳисобига ҳужжалик юритувчи субъектларга ажратилган валюта кредитлари бўйича – белгиланган фоизли ставканинг 50%и миқдоридан.

Низомда Жамғарма кафилиги берилишини кўриб чиқишнинг шартлари ва тартиботи, компенсацияни бериш, тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва қайта тиклаш тартиби, шунингдек берилган кафилиги бўйича мажбуриятларнинг Жамғарма томонидан ижро этилиши тартиби белгиланган.

Таркиби Президент томонидан тасдиқланадиган Жамғармани бошқариш бўйича кенгаш (17.08.2017 йилдаги ПҚ-3225-сон қарорнинг 4-банди) – Жамғармани бошқаришнинг олий органи. Тузилмаси давлатимиз раҳбари томонидан тасдиқланадиган Ижро этувчи дирекция Жамғарманинг ижро этувчи органи ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан лавозимига тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ижрочи директор Ижро этувчи дирекциянинг раҳбари ҳисобланади. У бир пайтнинг ўзига Агентлик директорининг ўринбосари ҳисобланади. Ижрочи директор Агентлик директори билан келишган ҳолда малакали, шу жумладан, хорижий мутахассисларни уларнинг хизмат ҳақини Жамғарманинг ўз маблағлари ҳисобига тўлаган ҳолда жалб қилишга ҳақли.

Унинг ўринбосарларини лавозимига тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш Ижрочи директорнинг тақдимномаси бўйича Иқтисодиёт ва саноат вазири билан келишган ҳолда Агентлик директори томонидан амалга оширилади. Жамғарма таркибий тузилмаларининг раҳбарларини лавозимига тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш Агентлик билан келишган ҳолда ижрочи директор томонидан амалга оширилади.

Жамғармани бошқариш бўйича кенгаш Ижро этувчи дирекциянинг харажатлар сметаси ва штатлар жадавалини тасдиқлайди. Шунингдек, унга Жамғарма маблағларидан тўғри ва самарали фойдаланиш юзасидан жавобгарлик юкланади. Ижро этувчи дирекциянинг ходимларига давлат бошқаруви органи ходимлари учун Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг марказий аппарати ходимларига белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш шартлари жорий этилади.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 17.01.2020 йилдан кучга кирди.**

Анвар Ирхажоджаев, «Norma» МЧЖ эксперти.

## Кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандиси шаходатномага эга бўлиш керак

**Уни олиш тартиби «Давергеодезакадастр» кўмитаси қарори билан тасдиқланган (АВ томонидан 17.01.2020 йилда 3211-сон билан рўйхатдан ўтказилган).**

*Эслатиб ўтамиз, 2020 йил 1 январдан бошлаб тажриба-синов тариқасида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандиси институти жорий этилмоқда. У шартнома асосида кўчмас мулк объектларини хатловдан ўтказиш (бирламчи кадастр ҳисоби бундан мустасно), уларнинг қаavatма-қаavat режаларини тузади, техник режаларини расмийлаштиришда ва уларни техник ҳисобга қўяди. Муҳандислар ризлторлик ташкилотлари билан меҳнат шартномасини тузади.*

Кадастр муҳандиси бўлиб ишлаш учун:

➤ кадастр муносабатлари соҳасида касбий қайта тайёргарлик дастури бўйича таълим олган бўлиши ёки геодезия ва ер кадастри бўйича олий маълумотга эга бўлиши;

➤ геодезия ва ер кадастри бўйича камида 1 йил иш стажига эга бўлиши;

➤ имтиҳон топшириб, малака шаходатномасини олиши лозим.

Талабгор малака имтиҳонини топшириш учун «Давергеодезакадастр» кўмитасига ариза ва қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

➤ паспорт нусхаси;

➤ олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси (хорижий дипломни тан олиш ҳақидаги гувоҳнома) ёки кадастр муносабатлари соҳасида касбий қайта тайёргарлик дастури бўйича таълим олганини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

➤ меҳнат дафтarchаси (электрон меҳнат дафтarchаси тизимидан кўчирма);

➤ 3,5 x 4,5 см ўлчамли 4 дона рангли фотосурат. Имтиҳон гуруҳлар шаклланишига қараб, лекин икки ойда камида 1 маротаба ўтказилади. 1 соат вақтда 75 та саволга жавоб бериш лозим. Тестлар танловга кўра ўзбек ёки рус тилида топширилади. Камида 70% саволга жавоб берган талабгорлар тест синовидан ўтган ҳисобланади. Имтиҳондан ўта олмаганлар навбатдаги имтиҳонда ундан такроран ўтишлари мумкин.

Шаҳодатнома бепул берилади, эгасининг фотосурати ёпиштирилган ҳолда тасдиқланган шаклда расмийлаштирилади ҳамда пойтахт ва пойтахт вилоятининг барча ҳудудларида амал қилади.

«Давергеодезакадастр» кўмитаси очик фойдаланиш мумкин бўлган қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган кадастр муҳандисларининг электрон реестрини юртади:

➤ муҳандиснинг Ф.И.О.;

➤ малака шаходатномаси рақами, у олинган сана;

➤ малака имтиҳонида қайд этилган натижа;

➤ шаходатномани бекор қилиш ёки амал қилишини тугатиш, қайта расмийлаштириш ва дубликатини бериш ҳақидаги маълумотлар.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 17.01.2020 йилдан кучга кирди.**

Ленара Хикматова, «Norma» МЧЖ эксперти.

УШБУ СОНДА

### • ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

1-2-бетлар

### • ЙИЛЛИК ҲИСОБОТГА ТАЙЁРЛАНАМИЗ

– Ягона солиқ тўлови: ҳисоблаш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари

3-6-бетлар

### • ЭЪЛОН

– Ҳурматли корхона ва ташкилотларнинг раҳбар ва бухгалтерлари! 7-бет

### • КАДРЛАР БЎЛИМИ

– 2020 йилги жамоа шартномаси:

нималар ўзгарди

– Қисқартиришда компенсация

тўловлари

– Касаллик бўйича нафақа олиш

учун асос

– Ички ўриндошлик:

расмийлаштиришдаги ўзига хос

хусусиятлар

8-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хошига кўра у ҳақида ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Norma маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўйиштириш, тарқатишга фақат «NORMA davry nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



# ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИ: ҲИСОБЛАШ ВА ТЎЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ\*

## ЯСТНИ ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ЧОҒИДА БОШҚА ДАРОМАДЛАР ҚАНДАЙ ҲИСОБГА ОЛИНАДИ

Бошқа даромадларни олиш товарларни, ишларни ва хизматларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан бевосита боғлиқ эмас. Улар корхонанинг ҳўжалик фаолияти жараёнида юзга келади ва, айтиш мумкинки, «қўшимча» ёки «иккинчи даражали» ҳисобланади.

Бошқа даромадлар рўйхати Солиқ кодексининг\*\* 132-моддасида келтирилган. Бироқ у ёпиқ эмас. Бу Солиқ кодексидида қайд этилмаган, шунга қарамай улар сирасига кирадиган бошқа даромадларнинг ўзга турлари ҳам борлигини аниглайди. Бундай даромадларнинг мавжуд бўлса, уларни ялпи тушум таркибига киритишингиз ва ЯСТ солишингиз керак эди.



Муйайн шароитларда бошқа даромадлар рўйхатидаги айрим даромадлар реализация қилишдан олиннадиган даромадларга айланади. Бундай даромадларга қуйидагилар киреди (Солиқ кодексининг 130-моддаси):

- фойзалар;
  - роялти;
  - мол-мулкни ижарага беришдан олиннадиган даромадлар;
  - талаб қилиш ҳўқуқидан бошқа шахснинг фойдасига воз кечишдан олинган даромадлар.
- Уларнинг жами суммаси товарларни, ишларни ва хизматларни реализация қилишдан олинган даромадларнинг умумий суммасидан ошганда уларни реализация қилишдан олинган даромадлар сифатида тан олишингиз керак эди. Мазкур норма нотижорат ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайдди. Улар ушбу даромадларга доим бошқа даромадлар сифатида қарайдилар.

### Мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олиннадиган даромад қандай аниқланади

Одатда, даромадларнинг ушбу тури асосий воситаларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ.




Асосий воситалар (АВ) – корхона томонидан узоқ муддат давомидида маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёҳуд маъмурий мақсадда фойдаланиш учун тутиб туриладиган моддий активлар. Асосий воситаларга, мисол учун, ёр, биналар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, қиммат офис техникиси ва ҳ.к. киреди.

Асосий воситалар қиймати тасдиқловчи ҳужжатлар асосида корхона балансида куйидагилар натижасида чиқарилади (АВ томонидан 20.01.2004 йилда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган 5-сон БҲМСнинг 51-банди):

- тугатилганда (асосий воситаларни тугатиш тўғрисида далолатнома (АВ-4-сон шакл), ш.ж. транспорт воситалари бўйича (АВ-4а-сон шакл));
- реализация қилинганда (ҳисобварақ-фактура ва қабул қилиш-топшириш далолатномаси);
- айирбошланганда (ҳисобварақ-фактура ва қабул қилиш-топшириш далолатномаси);
- бепул топширилганда (ҳисобварақ-фактура ва қабул қилиш-топшириш далолатномаси);
- бошқа компаниянинг устав капиталига берилганда (ҳисобварақ-фактура ва қабул қилиш-топшириш далолатномаси);

- узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича берилганда (қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҚҚСни ихтиёрй равишда тўловчилар учун қўшимча равишда ҳисобварақ-фактура ҳам);
  - камомад ёки йўқотишлар аниқланганда (инвентарлаш далолатномаси);
  - муассисга муассислар таркибидан чиқанда берилганда (ҳисобварақ-фактура ва қабул қилиш-топшириш далолатномаси).
- Чиқиб кетишдан олинган даромаддан АВнинг қолдиқ (баланс) қиймати, билвосита солиқлар ва чиқиб кетиш билан боғлиқ харажатларни чегириш. Чиқиб кетаётган мол-мулк илгари қайта баҳоланган бўлса, қайта баҳоланган сальдоси ҳам даромад таркибига киритилади (5-сон БҲМСнинг 53-банди).



\*Боши «СБХ»нинг 21.01.2020 йилдаги 3 (1327)-сониди. Охири бор.  
\*\*Мазкур тушунтиришларда 1.01.2020 йилгача амалда бўлган Солиқ кодексининг қоидалари келтирилган.





Қайта баҳолаш натижалари 8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида ҳисобга олинади. Қайта баҳолаш сальдоси илгариги қайта баҳолашлардаги ортган суммаларнинг асосий восита қийматининг илгариги қайта баҳолашлардаги камайиши суммасидан ортган қисми ҳисобланади.

Натижа ижобий бўлиб, чиқиб кетишдан фойда олинган бўлса, унга ЯСТ солиш зарур эди. Натижа салбий бўлиб, зарар кўрилган бўлса, у ЯСТ ҳисоб-китобига таъсир кўрсатмайди.

Кенг тарқалган ҳолларда – мол-мулкни реализация қилиш, устас капиталига бериш, бепул бериш ва тугатиш чоғида асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан олинadиган даромадни аниқлашга тўхталиб ўтамай.

### Асосий восита реализация қилинганда

Асосий воситани реализация қилишда уни сотиш қиймати чиқиб кетиш баҳоси ҳисобланади. Уни қолдиқ (баланс) қиймат даражасига, ундан юқори ёки паст қилиб белгилашингиз мумкин эди.

#### Қолдиқ қиймати бўйича

АВНИ қолдиқ қиймати бўйича реализация қилган бўлсангиз, молиявий натижани (фойда ёки зарар) реализация қилиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда жамғарилган қайта баҳолаш сальдосидан келиб чиқиб аниқлашингиз керак эди.

#### МИСОЛ. АВНИ қолдиқ қиймати бўйича реализация қилишдан олинadиган даромадни аниқлаш

ҚҚС тўламайдиган ЯСТ тўловчи корхона ўзига тегишли автомобилни қолдиқ қиймати бўйича сотган. Автомобилнинг бошланғич қиймати 120 000 минг сўми ташкил этган, жамғарилган эскириш – 102 000 минг сўм. Автомобилнинг қолдиқ (баланс) қиймати 18 000 минг сўмга (120 000 – 102 000) тенг бўлган. 8510-счётда ҳисобга олинган қайта баҳолаш сальдоси 25 000 минг сўми ташкил этган. Чиқиб кетиш билан боғлиқ харажатлар қилинмаган. ҚҚС тўламайдиганлар учун ҳисоб-китобларда солиқ суммаси ҳисобга олинмайди. Автомобиль чиқиб кетишдан олинadиган даромад суммаси қуйидагича аниқланади:  
 $18\ 000 - 18\ 000 + 25\ 000 = 25\ 000$  минг сўм.

#### Қолдиқ қийматидан юқори баҳода

Молиявий натижани худди шу тартибда – қайта баҳолаш сальдоси ва реализация қилиш харажатларини ҳисобга олган ҳолда реализация қилишдан олинган тушум (реализация қиймати) ва реализация қилинаётган АВНИНГ қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқлаш керак эди.

#### МИСОЛ. АВНИ қолдиқ қийматидан юқори баҳода реализация қилишдан олинadиган даромадни аниқлаш

ЯСТ тўловчи корхона ўзига тегишли автомобилни ҚҚС тўламай бозор қиймати бўйича 24 000 минг сўмга сотган. Автомобилнинг бошланғич қиймати – 120 000 минг сўм, жамғарилган эскириш – 102 000 минг сўм. АВНИНГ қолдиқ (баланс) қиймати 18 000 минг сўмга (120 000 – 102 000) тенг бўлган. 8510-счётда ҳисобга олинган қайта баҳолаш сальдоси 25 000 минг сўми ташкил этган. Чиқиб кетиш билан боғлиқ харажатлар қилинмаган. ҚҚС тўламайдиганлар учун ҳисоб-китобларда солиқ суммаси ҳисобга олинмайди. Реализация қилишдан олинadиган даромад 31 000 минг сўми (24 000 – 18 000 + 25 000) ташкил этган.

#### Қолдиқ қийматидан паст баҳода

Бу ҳолда ҳам молиявий натижани умумий формула бўйича аниқлаш керак эди: реализация қилишдан тушган тушум айирув реализация қилинаётган АВНИНГ қолдиқ қиймати қўшув қайта баҳолаш сальдоси айирув реализация қилиш харажатлари.

#### МИСОЛ. АВНИ қолдиқ қийматидан паст баҳода реализация қилишдан олинadиган даромадни аниқлаш

ҚҚС тўламайдиган ЯСТ тўловчи корхона ўзига тегишли автомобилни қолдиқ қийматидан паст баҳода сотган. Реализация қилиш баҳоси – 15 000 минг сўм. Бошланғич қиймати – 120 000 минг сўм, жамғарилган эскириш – 102 000 минг сўм. Қолдиқ (баланс) қиймати 18 000 минг сўмга (120 000 – 102 000) тенг бўлган. 8510-счётда ҳисобга олинган қайта баҳолаш сальдоси 25 000 минг сўми ташкил этган. Реализация қилиш харажатлари 200 минг сўми ташкил этган. ҚҚС тўламайдиганлар учун ҳисоб-китобларда солиқ суммаси ҳисобга олинмайди. Автомобиль чиқиб кетишдан олинadиган даромад суммаси қуйидагича аниқланади:  
 $15\ 000 - 18\ 000 + 25\ 000 - 200 = 21\ 800$  минг сўм.

#### Асосий восита бошқа корхонанинг устас капиталига берилганда

Асосий воситаларни бошқа корхонанинг устас капиталига берган бўлсангиз, уларнинг чиқиб кетиш баҳосини барча муассислар билан келишган ҳолда белгилаш керак эди. У қолдиқ (баланс) қийматга тенг, ундан юқори ёки паст бўлиши мумкин эди. Ушбу ҳолларнинг ҳар бирида чиқиб кетишдан олинadиган даромадни реализация қилишда бўлгани сингари аниқлаш лозим эди.

#### МИСОЛ. АВНИ бошқа корхонанинг устас капиталига беришдан олинadиган даромадни аниқлаш

ҚҚС тўламайдиган ЯСТ тўловчи корхона автомобилни бошқа корхонанинг устас капиталига ҳисса сифатида киритган. Унинг бошланғич қиймати 120 000 минг сўми ташкил этган, жамғарилган эскириш – 102 000 минг сўм. Қолдиқ (баланс) қиймати 18 000 минг сўмга (120 000 – 102 000) тенг бўлган. Муассислар ўртасида келишилган, устас капиталига ҳисса сифатидаги автомобиль қиймати 15 000 минг сўми ташкил этган. 8510-счётда ҳисобга олинган қайта баҳолаш сальдоси 25 000 минг сўми ташкил этган. Автомобилнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ харажатлар қилинмаган. ҚҚС тўламайдиганлар учун ҳисоб-китобларда солиқ суммаси ҳисобга олинмайди. Автомобиль чиқиб кетишдан олинadиган даромад суммаси қуйидагича аниқланади:  
 $15\ 000 - 18\ 000 + 25\ 000 = 22\ 000$  минг сўм.



### Асосий восита бепул берилганда

Бепул беришда чиқиб кетиш баҳоси ногла тенг. АВни бепул беришдан қўрилган молиявий натижани (фойда ёки зарар) берилаётган АВнинг қолдиқ (баланс) қиймати ва ушбу АВ бўйича қайта

баҳолаш сальдоси ўртасидаги фарқ сифатида белгилашингиз керак эди. Қайта баҳолаш сальдоси берилаётган АВнинг қолдиқ қийматидан ошган ҳолдагина фойда юзага келиши мумкин эди.

### МИСОЛ. АВни бепул беришдан олинадиган даромадни аниқлаш

ЯСТ тўловчи корхона ўзига тегishли автотранспорт воситасини жисмоний шахсга соғва қилган. АВнинг бошланғич қиймати – 120 000 минг сўм, жамғарилган эскириш – 102 000 минг сўм. Қолдиқ (баланс) қиймати 18 000 минг сўмга (120 000 – 102 000) тенг бўлган. Қайта баҳолаш сальдоси 25 000 минг сўмни ташкил этган.

Чиқиб кетишдан олинадиган даромад суммаси қуйидагича аниқланади:

0 – 18 000 + 25 000 = 7 000 минг сўм.

### Асосий восита тугатилганда

АВ тугатилганда молиявий натижа бепул беришда бўлгани сингари аниқланади. Бундан ташқари, АВ тугатилиши натижасида баъзида қандайдир материаллар ва эҳтиёт қисмлар қолади. Уларнинг қийматини АВ чиқиб кетишдан олинадиган

даромадга қўшиш керак эди. Қайта баҳолаш сальдоси ҳамда яроқли эҳтиёт қисмлар ва материаллар қиймати ҳисобдан чиқарилаётган АВнинг қолдиқ қийматидан ошганда АВни тугатишдан олинадиган фойда юзага келиши мумкин.



АВни тугатишда қўшимча баҳолаш ҳисобига фойда олинган бўлса, ЯСТ бўйича солиқ солинадиган базани унинг суммасига камайтириш керак эди (Солиқ кодексининг 356-моддаси 1-қисми 6-банди).

### МИСОЛ. АВни тугатишдан олинадиган даромадни аниқлаш

ЯСТ тўловчи корхона ускунани тиклаш самарасизлиги сабабли уни ҳисобдан чиқарган. Тугатиш пайтида ускунанинг бошланғич қиймати 12 000 минг сўмни ташкил этган, ҳисобланган эскириш – 10 000 минг сўм, қолдиқ қиймати – 2 000 минг сўм (12 000 – 10 000). 8510-счётда ҳисобга олинган ускунани қайта баҳолаш сальдоси 3 000 минг сўмга тенг бўлган. Тугатиш чоғида 500 минг сўмлик фойдаланиш учун яроқли эҳтиёт қисмлар кирим қилинган.

Усқунани тугатишдан олинадиган даромад 1 500 минг сўмни (3 000 + 500 – 2 000) ташкил этган. Қайта баҳолаш сальдоси ушбу суммадан ортиқ (3 000 > 1 500) эканлиги сабабли тугатишдан олинадиган бутун даромад ЯСТ бўйича солиқ солинадиган база ҳисоб-китобига киритилмаган.

### Мол-мулкни ижарага беришдан олинадиган даромад қандай аниқланади

Ижарадан олинадиган даромадлар ижара шартномаси қандай мезонларга мувофиқ келишига қараб фарқланади. Оператив ва молиявий ижара турлари мавжуд. Кейинги турига, хусусан, лизинг киради.



Мол-мулкни шартномага биноан 12 ойдан ортиқ муддатга вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини беришда юзага келадиган ижаравий муносабатлар молиявий ижара ҳисобланади (АВ томонидан 24.04.2009 йилда 1946-сон билан рўйхатдан ўтказилган 6-сон БҲМСнинг 6-банди).

Бунда молиявий ижара шартномаси қуйидаги талаблардан бирига жавоб бериши керак:

- шартноманинг муддати тугагач, молиявий ижара объекти ижарага олувчининг мулки бўлиб ўтиши;
- молиявий ижара шартномасининг муддати молиявий ижара объекти хизмат муддатининг 80%идан ортиқ бўлса ёки объектнинг шартнома тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20%идан камроғини ташкил қилиши;
- молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, ижарага олувчи уни ушбу ҳуқуқ сотиш кунидаги бозор қийматидан паст нарҳда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиши;

- молиявий ижара шартномаси амал қиладиган давр учун ижара тўловларининг дисконтланган жорий қиймати (6-сон БҲМСнинг 22-банди) объектни ижарага бериш пайтидаги жорий қийматининг 90%идан ортиқ бўлиши.

Ижара шартномаси шартлари юқорида тилга олинган талаблардан биронтасига мувофиқ келмаса, оператив ижара ҳисобланади.

Оператив ижара – мол-мулкни сотиб олиш ҳуқуқисиз фойдаланишга бериш. Оператив ижаранинг асосий шarti – ижарага берувчи ўз мулкни сотишни кўзламайди. У объектни оператив ижарага бериш жараёнида ҳам, у яқунланганда ҳам унинг мулкдори бўлиб қолади.

### Молиявий ижарада

Молиявий ижарада ижарага олувчи ижарага берувчига ижара объекти қийматини қоплайди. Тўловлар бўлиб-бўлиб тўланади. Молиявий ижара муддати тугагач объект ижарага олувчининг мулкига ўтса, тўловлар тўлиқ ҳажмда унинг қий-

матини қоплайди. Бундан ташқари, ижарага берувчига фоизли даромад тўланади. Айни у бошқа даромадлар таркибидаги ЯСТ солинадиган объект ҳисобланади.

Ижара тўлови	=	Ижара объекти қийматини қоплаш суммаси	+	Ижарага берувчининг фоизли даромади
Молиявий ижарадан олинадиган даромад	=	Ижара тўлови	-	Ижара объекти қийматини қоплаш суммаси

Фоизли даромадни аниқлаш учун ижара тўловлари суммасидан ижара объекти қийматини қоплаш суммасини чегириш керак эди. Фоизли даромад суммасини ижара тўловлари жадалига биноан ижара шартномаси амал қилиш муддати давомида қисмлаб солиқ солинадиган даромадга киритиш лозим эди.



**МИСОЛ. Ижарага берувчининг молиявий ижарадан олинадиган даромадни аниқлаш**

Шартномага кўра 120 000 минг сўмлик экскаватор молиявий ижарага берилган. Фоизли даромад 24 000 минг сўмни ташкил этган. Шартномага кўра ижара тўловларининг умумий суммаси – 144 000 минг сўм. Ижара мuddати – 20 ой. Тўловлар жадевалида ҳар ой 7 200 минг сўмдан (144 000 / 20) бир хилда тўловлар тўланиши назарда тутилган.

Ойлик ижара тўлови молиявий ижара объекти қийматини қоплаш суммаси – 6 000 минг сўм (120 000 / 20) ва ижарага берувчининг фоизли даромади – 1 200 минг сўмдан (24 000 / 20) ташкил топган.

Ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида экскаватор қиймати узоқ мuddатли дебиторлик қарзи (120 000 минг сўм) сифатида акс эттирилади. Ижарага олувчи уни ижара тўловлари жадевалига биноан сўндиради. Фоизли даромад (24 000 минг сўм) экскаватор чиқиб кетган пайтда эмас, балки ижара тўловлари жадевалига биноан қисмлаб тан олинади. Шу тариқа, ҳар ой 1 200 минг сўм ижарага берувчининг даромадига 20 ой давомида киритилади.

Молиявий ижара объекти қийматини қоплаш суммаси унинг баланс қийматидан ошса, ижарага берувчида, фоизли даромаддан ташқари, ижара объектининг чиқиб кетишидан қўшимча даромад юзага келади.

**МИСОЛ. Лизингга берувчининг лизинг объекти чиқиб кетишидан олган қўшимча даромадни аниқлаш**

Лизинг компанияси ишлаб чиқариш корхонасига лизингга бериш учун 600 000 минг сўмлик технологик ускуна сотиб олган. Объект 720 000 минг сўмга лизингга олувчига берилган. Лизингга берувчи учун бу – актив, узоқ мuddатли дебиторлик қарзи.

Лизинг шартномаси 5 йил мuddатга тузилган. Йиллик фоиш ставкаси – 10%, шартнома буйича фоизли даромад 360 000 минг сўмни (720 000 x 10% x 5) ташкил этади. Жадевалда ойлик ижара тўловлари назарда тутилган – 18 000 минг сўмдан. Шартнома мuddатида ижара тўловларининг умумий суммаси 1 080 000 минг сўмни ташкил этади, ш.ж.:

- 600 000 минг сўм – лизинг объектининг қоплаш суммаси;
- 360 000 минг сўм – фоизли даромад;
- 120 000 минг сўм – кечиктирилган даромад (ҚҚС тўламайдиганлар учун).

Ижарага берувчи (лизингга берувчи) лизинг тўлови таркибида оладиган лизинг объекти қийматини қоплаш суммаси (бизнинг мисолда – 600 000 минг сўм) ялли тушумга киритилмайди.

ЯСТни ҳисоблаб чиқаришда ҳисоблаб ёзилишига қараб фоизли даромадни (360 000 минг сўм) ва даромадларга киритилишига қараб кечиктирилган даромад суммасини (120 000 минг сўм) солиқ солиш объектига киритиш зарур эди.

**Оператив ижарада**

Мол-мулкни оператив ижарага берган бўлсангиз, шартномада белгиланган ижара тўлови суммасидан келиб чиқиб даромадингизни аниқлашингиз керак эди.

Ижарага берувчининг даромади	=	Ижара тўлови
------------------------------	---	--------------

**МИСОЛ. Оператив ижарадан олинадиган даромадни аниқлаш**

Оператив ижара шартномасига кўра ижара тўловларининг умумий суммаси 7 200 минг сўмга тенг. Ижара мuddати 12 ойни ташкил этган, яъни ойига 600 минг сўмдан (7 200 / 12). Шу тариқа, ойига 600 минг сўм миқдоридagi ижара тўлови 12 ой давомида ижарага берувчининг бошқа даромади таркибига киритилади.



Кўчмас мулкни ижарага беришдан олинадиган даромадларга шартнома буйича ижара тўлови суммасидан келиб чиқиб ЯСТ солинган. Бироқ солиқ солиш мақсадида у қонун ҳужжатлари билан тасдиқланган энг кам ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланганидан паст бўлмаслиги керак эди (26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сон қарорнинг 24-банди, 26.01.2012 йилдаги МВ ва ДСҚнинг ММ/04-01-32-14/87-сон ва 13/1-954-сон тушунтириш хати).

Ижарага олувчига ҳисобварақ-фактура расмийлаштираётганда унда шартномадаги ижара тўлови кўрсатилади. Бироқ бюджет билан ҳисоблашаётганда ЯСТ буйича солиқ солинадиган база ижара тўловининг энг кам ставкаларидан келиб чиқиб

ҳисобланганидан паст бўлмаслиги кераклигини инобатга олинг. Шартнома буйича ижара тўлови энг кам ставкалар асосида белгиланган суммадан паст бўлиб чиқса, ЯСТни энг кам ставкалардан келиб чиқиб ҳисоблашингиз керак эди.



Давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари ҳар йили тасдиқланади (2019 йил учун Тошкент буйича – Тошкент шаҳар ҳокимининг 11.01.2019 йилдаги 35-сон қарори билан).

**МИСОЛ. Шартнома буйича ижара тўлови тасдиқланган энг кам ставкалардан паст этиб белгиланганда солиқ солиш**

ЯСТ тўловчи савдо корхонаси асосий фаолиятдан ташқари жойларни ижарага беради. Шартномага кўра ижара тўлови 400 минг сўм миқдоридa белгиланган.

Энг кам ставкалар буйича ҳисобланган ижара тўлови ойига 422,5 минг сўмни ташкил этди. У шартномада белгиланган ижара тўловидан ортиқ. Бинобарин, ЯСТ буйича бюджет билан ҳисоблашишда ижара тўлови энг кам ставкалар – 422,5 минг сўм буйича ҳисобга олинади.

**Инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча мол-мулк қиймати тарихисидagi даромадлар**

Мол-мулкни инвентаризация қилиш натижасида унинг ортиқчаси аниқланган бўлса, уларни бошқа даромадларга киритишингиз керак эди. Ҳисобга олинмаган мол-мулкни аниқланган

санадага худди шундай мол-мулкнинг бозор қиймати буйича баҳолаш лозим эди. Баҳолаш чоғида унинг ҳақиқий ҳолатини ҳисобга олиш зарур эди.



### **МИСОЛ. Ортиқча мол-мулк тарихисидаги даромадни аниқлаш**

Инвентаризация қилиш натижасида корхона омборида ҳисобга олинмаган эҳтиёт қисмлар сақланадиган стеллажлар борлиги аниқланган. Инвентарлаш комиссияси ҳақиқий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда уларнинг қийматини 600 минг сўм деб баҳолаган. Ушбу суммани бошқа даромадлар таркибида ЯСТни ҳисоблаш чоғида солиқ солинадиган базага киритиш лозим эди.

### **Текин олинган мол-мулк кўринишидаги даромадлар**

Мол-мулк, мулкий ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар текин асосда олинганда даромад бозор қиймати бўйича белгиланган. Бозор қиймати ҳужжатлар билан ёки баҳоловчи ташкилотнинг ҳисоботи билан тасдиқланган. Ҳужжатлар билан тасдиқлаш деб қуйидагилар эътироф этилади (*Солиқ кодексининг 135-моддаси*):

- ҳисобварақ-фактуралар, етказиб бериш ёки топшириш ҳужжатлари;

- худди шундай товарларни етказиб берувчиларнинг прайс-варақлари;

- ОАВдан олинган ва статистика органларининг маълумотлари;

- биржа маълумотлари.

### **МИСОЛ. Текин олинган мол-мулк кўринишидаги даромадни аниқлаш**

Ишлаб чиқариш корхонаси бошқа ташкилотдан омборхона биносини текинга олган. Ҳисобварақ-фактурага кўра унинг қолдиқ қиймати 50 млн сўмни ташкил этган.

Бино қиймати ҳисобварақ-фактурада белгилангани сабабли корхона ушбу суммани бошқа даромад сифатида ЯСТ бўйича солиқ солинадиган базага киритган.

Фоизсиз заём, яъни қайтариб бериш шarti билан молиявий ёрдам олаётганда текин мулкий ҳуқуққа – фоизларни тўламасдан қарз берувчининг маблағларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлгансиз. Текин олинган мулкий ҳуқуқ кўринишидаги даромадингизни заёмни олиш санасидаги МБнинг қайта молиялаштириш ставкасидан (2018 йил 25 сентябрдан – 16%) келиб чиқиб аниқлашингиз керак эди.

Қарз шартномасида қайта молиялаштириш ставкасидан паст бўлган фоиз ставкаси назарда тутилган бўлса, худди шундай вазият юзага келиши мумкин бўлган. Бу ҳолда даромадни қайта молиялаштириш ставкаси бўйича ҳисобланган фоизлар суммаси ва шартномадаги фоизлар суммаси ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблашингиз керак эди.



Ушбу тартиб қуйидагилар томонидан берилган кредитлар ва заёмларга нисбатан татбиқ этилмайди:

- кредит ташкилотлари;

- Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига биноан;

- Ўзбекистон норезидентлари.

### **МИСОЛ. Фоизсиз заём олганда даромадни аниқлаш**

Қарз шартномасига кўра корхона фоизларни тўлаш мажбурийтисиз 60 кунга 100 000 минг сўм олган. Заёмни олиш санасидаги МБнинг қайта молиялаштириш ставкаси – 16%.

Қарз олувчининг текин олинган заёмдан фойдаланиш ҳуқуқи кўринишидаги даромади 2 630,1 минг сўмни (100 000 x 16% / 365 x 60) ташкил этган.

### **МИСОЛ. Фоиз ставкаси қайта молиялаштириш ставкасидан паст бўлган заёмни олганда даромадни аниқлаш**

Қарз шартномасига кўра корхона 10%лик ставкада фоизларни тўлаш мажбурийти билан 60 кунга 100 000 минг сўм олган. Заёмни олиш санасидаги МБнинг қайта молиялаштириш ставкаси – 16%.

Қарз олувчининг текин олинган заёмдан фойдаланиш ҳуқуқи кўринишидаги даромади 986,3 минг сўмни ((100 000 x 16% – 100 000 x 10%) / 365 x 60) ташкил этган.

Текин фойдаланиш учун пул эмас, балки қандайдир мол-мулкни олган бўлсангиз, бундай фойдаланиш учун белгиланган нархлар асосида даромадни ҳисоблашингиз керак эди.

### **МИСОЛ. Текин фойдаланиш учун мол-мулк олинганда даромадни аниқлаш**

Корхона майдони 50 кв. метрлик офис хонасини бир йилга текинга олган. Бошқа даромад ҳажмини аниқлаш ва уни ЯСТ бўйича солиқ солинадиган базага киритиш учун ОАВдан олинган маълумотлар асосида ушбу туманда ижара тўловининг ўртача бозор ставкаси қанча эканлигини билиш зарур эди. Сўнг уни фойдаланиш учун олинган майдонга кўпайтириш лозим эди.

2019 йилда қуйидаги текин олинган мол-мулкка ЯСТ солинмаган (*Солиқ кодексининг 355-моддаси 4-қисми 7, 13-бандлари*):

- мол-мулк, мулкий ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар, агар улар Президент ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида ўтказилган бўлса;

- телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар.

### **Жорий даврда аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар**

Ўтган солиқ даврларида ҳисобга олинмаган, бироқ жорий даврда аниқланган даромадлар, масалан, қуйидаги ҳолларда юзага келиши мумкин:

- қайта ҳисоб-китобларга кўра ўтган йилда реализация қилинган маҳсулотлар учун харидорлардан маблағлар олганда;

- ўтган даврлардаги бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномалари бўйича четта чиқишлар аниқланганда;

- бухгалтерия ҳисобидagi хатолар тузатилганда.



### **МИСОЛ. Ҳисобот даврида ўтган йиллардаги даромадларни аниқлаш**

Дастурдаги узилиш натижасида реализация қилишга доир ҳисобварақ-фактуралардан бири ўтказилмай қолган. Бинобарин, ўтган даврда у буйича даромад акс эттирилмаган. Ушбу далил аниқланганда ҳисобварақ-фактура суммаси жорий даврда ўтган йиллардаги даромад сифатида акс эттирилади.

Бундай даромадларни аниқлаб, уларни қуйидагиларда акс эттиришигиз керак эди:

- солиқ ҳисоботида – улар ҳақиқатда юзага келган даврда. Бунинг учун уша даврдаги ҳисоботни қайта топширишигиз керак эди;

- бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботда – уларнинг ҳажми салмоқчилигига қараб (АВ томонидан 27.08.1998 йилда 484-сон билан рўйхатдан ўтказилган 3-сон БҲМСнинг 16, 17-бандлари).

Даромадлар суммаси катта бўлмаса, уларни ҳисобда акс эттириш ва жорий даврдаги, яъни улар аниқланган даврдаги фаолиятнинг молиявий натижасига киритиш зарур эди.

Сумма салмоқли бўлса, йил бошидаги тақсимланмаган фойда сальдони ва ўтган йилнинг тегишли даврдаги маълумотларни ўзгартариб, уларни ҳисобда ва молиявий ҳисоботда акс эттириш лозим эди.



Қонун ҳужжатларида хатонинг муҳимлиги мезонлари белгиланмаган. Шу сабабли уларни ҳисоб сибсатида белгилаш ва 3-сон БҲМСга мувофиқ иш тутиш лозим эди. Масалан, ялли тушум ҳажмининг 2%идан ошадиган аниқланган тафавтулар суммасини корхона учун муҳим деб белгилаш. Бошқа вариант – ўтган йилларга тегишли даромадлар ва харажатлар аниқланган барча ҳолларда, уларнинг ҳажмидан қатъи назар, ўтган ҳисобот даврлари учун молиявий ҳисобот қайта топширилиши зарур эди.



Солиқ органларига солиқ ҳисоботи тақдим этилган даврга тааллуқли ҳато аниқланган бўлса, уни қайта топширишга ҳақлисиз. Буни солиқ мажбурияти буйича даъво қилиш мuddати – солиқ даври тузганидан кейин 5 йил ичиде амалга ошириш мумкин (Солиқ кодексининг 38, 46-моддалари). Мазкур норма солиқчилар томонидан тегишли ўтказилган давр учун солиқлар суммасининг камайишини назарда тутувчи аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этиладиган ҳолларда қўлланилмайди. Бу ҳолларда ҳисобот қайта топширилмайди

### **МИСОЛ. Ўтган солиқ даврларидаги аниқланган даромадни солиқ ҳисоботида акс эттириш**

2018 йилда корхонада ўтказилган инвентаризация натижаларига кўра 5 000 минг сўмлик ортиқча товар-моддий қимматликлар аниқланган. Бироқ бухгалтерия ҳисобида ортиқча суммаси даромадлар сўмларида акс эттирилмаган, тегишинча, ЯСТ буйича солиқ солинадиган базага киритилмаган. 2018 йилда ЯСТ ставкаси 5%ни ташкил этган. Бу ЯСТ ставкаси 4%ни ташкил этган 2019 йилда аниқланган. Корхонанинг ҳисоб сибсатида хатопарнинг муҳимлик мезони белгиланмаган. Аниқланган даромад қайси солиқ даврида акс эттирилади?

– Аниқланган даромадни 2018 йилдаги солиқ солинадиган базага киритиш, ЯСТни 5%лик ставка буйича ҳисоблаш ва қуйидаги суммаларни бюджетга ўтказиш зарур эди:

- тўлиқ тўланмаган 250 минг сўм (5 000 х 5%);

- тўловнинг белгиланган мuddатидан кейинги кундан эътиборан ушбу 250 минг сўм тўланмаган ҳар бир кун учун, тўлов куну ҳам шунга қиради, ҳисобланган пеня (Солиқ кодексининг 120-моддаси). Бироқ пеня миқдори солиқ буйича қарз суммасидан ортиқ бўлиши мумкин эмас, яъни 250 минг сўмдан кўп эмас. Бухгалтер 2018 йил учун аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини топширилиши зарур.

### **Курс фарқи кўринишидаги даромадлар**

Балансинг валюта моддаларини қайта баҳолаш чоғида ижобий курс фарқи даромадлар сўмларида, салбий иш харажатлар сўмларида қайд этилади. Бироқ жами ижобий курс фарқини эмас, балки сальдони, яъни ижобий ва салбий курс фарқи ўртасидаги айирмани ЯСТ солинадиган объект

сифатида ҳисобга олишингиз керак эди (Солиқ кодексининг 355-моддаси).

Салбий курс фарқи ижобийсидан ортиқ бўлса, ЯСТ буйича солиқ солинадиган базани ошиб кетган суммага камайтирмаслигингиз керак эди.

### **МИСОЛ. ЯСТ солинадиган курс фарқлари ўртасидаги сальдони аниқлаш**

Корхонада ҳисобот чораги яқунларида кўра 9540-«Валюталар курслари фарқидан даромадлар» сўмларида 4 820 минг сўм, 9620-«Валюталар курслари фарқидан зарарлар» сўмларида эса 3 440 минг сўм акс эттирилган. ЯСТ солинадиган сальдо 1 380 минг сўмга (4 820 – 3 440) тенг бўлган. Ижобий курс фарқи 3 440 минг сўмни, салбий эса 4 820 минг сўмни ташкил этса, 1 380 минг сўмлик суммадаги салбий сальдо солиқ солинадиган базани камайтирмаган ва ЯСТни ҳисоблаб чиқариш чоғида ҳисобга олинмаган.

### **Мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан олинадиган даромадлар**

Мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан олинадиган даромадларга қуйидагилар қиради (Солиқ кодексининг 136-моддаси):

- даъво мuddати ўтган ҳисобдан чиқарилган мажбуриятлар.

Даромадни кредиторлик қарзи буйича даъво мuddати тузган ҳисобот даврида тан олиш керак эди;

- суднинг ёки ваколатли давлат органининг қарорига биноан ҳисобдан чиқарилган мажбуриятлар.



Умумий даъво мuddати 3 йилни ташкил этади (ФКнинг 150-моддаси). Айрим турдаги талаблар учун қонун ҳужжатларида умумий даъво мuddатига қараганда қисқартирилган ёки узайтирилган махсус даъво мuddатлари белгиланиши мумкин (ФКнинг 151-моддаси).



### **МИСОЛ. Даъво муддати ўтган мажбуриятни ҳисобдан чиқаришдан олинадиган даромадни аниқлаш**

«Х» компанияси 2016 йил 15 октябрда «У» компаниясига 10 000 минг сўмлик товарларни реализация қилган. «У» компанияси фақат 1 500 минг сўм миқдорида аванс тўлаган. Қарзнинг қолган суммаси, шартнома шартларига кўра, товар юклаб жўнатилган кунда тўланиши керак бўлган, бироқ тўланмаган.

«У» компанияси ҳар йили дебиторлик ва кредиторлик қарзини таҳлил қилади. 2019 йил 15 октябрда «Х» компанияси олдидаги кредиторлик қарзи бўйича даъво муддати ўтгани аниқланган. «У» компанияси 2019 йил 15 октябрда 8 500 минг сўм (10 000 – 1 500) миқдоридаги қарзни ҳисобдан чиқарган. Бухгалтерия ва солиқ ҳисобида ушбу операция бошқа даромад сифатида акс эттирилади. Тезишична, 2019 йил 15 октябрда «У» компанияси 8 500 минг сўм миқдоридаги кредиторлик қарзини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадни тан олган. 2019 йил IV чорага учун ЯСТни ҳисоб-китоб қилиш чоғида «У» компанияси ушбу суммани ялли тушумга киритган.

Ташқи иқтисодий битимлар бўйича вазият бошқача. Даъво муддатини мамлакатнинг тегишли муносабатни тартибга солиш учун қўлланилаётган ҳуқуқи бўйича белгиланган (ФКнинг 1183-моддаси).

### **МИСОЛ. Импорт контракти бўйича даъво муддатини белгилаш**

Ўзбекистон корхонаси Швейцариядан ускуна етказиб бериш учун импорт контрактини тузган. Контрактада кўрсатилишича, мазкур контракт бўйича муносабатларни тартибга солиш учун қўлланиладиган қонун ҳужжатлари Швейцария Конфедерацияси қонун ҳужжатлари ҳисобланади. Ушбу мамлакат қонун ҳужжатларига мувофиқ даъво муддати 10 йилли ташкил этади. Бинобарин, битим тузилган пайтдан эътиборан 10 йил ичида контракт тарафлари бир-бирларига ушбу контракт бўйича мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ талабларни қўйишлари мумкин.

Суднинг ёки ваколатли давлат органининг қарорига биноан қарзни ҳисобдан чиқарган бўлсангиз, бундай қарор қабул қилинган санадаги даромадни тан олишингиз керак эди.

Даромад тан олинганини тасдиқловчи ҳужжатлар куйидагилардир:

- кредитор билан шартномалар;
- ҳисобварақ-фактуралар ва етказиб берганлик (ишларни бажарганлик, хизматларни кўрсатганлик) далилини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар;
- кредитор рўйхатдан ўтказилган манзилда эмаслиги тўғрисидаги ҳужжатлар (улар мавжуд бўлганда);
- корхона раҳбарининг кредиторлик қарзини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги буйруғи;
- суднинг ёки давлат органининг қарори (улар мавжуд бўлганда).



Қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари олдидаги қарзни ҳисобдан чиқарган бўлсангиз, ушбу суммани даромад таркибига киритмаслигингиз керак эди. Умидсиз солиқ қарзи солиқ органининг қарорига кўра ҳисобдан чиқарилади. Уни ҳисобдан чиқариш тартиби маҳсус Низомда (24.10.2012 йлдаги 307-сон ВМҚ билан тасдиқланган) белгиланган.



Солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати 5 йилга тенг (Солиқ кодексининг 38-моддаси). Яъни солиқ органлари солиқ даври тугаганидан кейин 5 йил ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаши ёки уларнинг ҳисобланган суммасини қайта кўриб чиқиши мумкин. Солиқ тўловчи худди шу муддат ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олишни ёки қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

### **Талаблардан ўзганинг фойдасига воз кечишдан олинадиган даромадлар**

Талаблардан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинадиган даромадлар асосий қарз талаблари бўйича қардор томонидан тўланган суммалар, шу жумладан қарздор томонидан асосий қарздан ташқари тўланган суммалар билан

солиқ тўловчи томонидан олинган қарз қиймати ўртасидаги ижобий фарқ тарзида аниқланадиган даромадлардир (Солиқ кодексининг 137-моддаси).

### **МИСОЛ. Талабдан ўзганинг фойдасига воз кечишдан олинадиган даромадни аниқлаш**

«А» корхонаси «Б» корхонасига 100 000 минг сўмлик товарни реализация қилган. «Б» корхонаси тўлаган 30% олдидан тўловни чеғирганда «А» корхонасида юзага келган дебиторлик қарзи 70 000 минг сўмни ташкил этган. Товари етказиб бериш шартномаси шартларига кўра «Б» корхонаси товар етказиб берилган кундан эътиборан 2 ойдан кечиктирмай қолган суммани тўлаши керак эди. Бироқ «А» корхонаси ФК 313-моддасининг нормасига таяниб, «Б» корхонасидан қарзини олиш ҳуқуқидан 60 000 минг сўм эвасиз тўғрисида «В» корхонаси билан шартнома тузган. 2 ой ўтган «Б» корхонаси ўз қарзи – 70 000 минг сўмни «В» корхонасига тўлиқ тўлаган. «В» корхонасининг бошқа даромади 10 000 минг сўмни (70 000 – 60 000) ташкил этган.

### **Биргаликдаги фаолиятда иштирок этишдан олинадиган даромадлар**

Биргаликдаги фаолият ёзма шаклда тузилиши лозим бўлган оддий ширкат шартномаси бўйича амалга оширилади (ФКнинг 962–975-моддалари). Унга мувофиқ шериклар (иштирокчилар) деб аталувчи икки ёки ундан ортиқ шахс ўз ҳиссаларини

қўшади ва юридик шахс тузмасдан биргаликда тадбиркорлик фаолиятини юротади. Фақат яқка тартибдаги тадбиркорлар ва (ёки) тижорат ташкилотлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун оддий ширкат тузишлари мумкин.



Оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолиятга солиқ солишини ўзига хос хусусиятлари Солиқ кодексининг 60-Бобида баён этилган.

Ширкат иштирокчиси бўлсангиз, биргаликдаги фаолиятда иштирок этишдан олинган даромадларни бошқа даромадлар таркибида акс эттиришингиз керак эди.

#### **МИСОЛ. Биргаликдаги фаолиятда иштирок этишдан олинган даромадни аниқлаш**

ЯСТ тўловчи «А» ва «Б» корхоналари биргаликда фаолият юретиш тўғрисида шартнома тузганлар. Ҳисобот даврида биргаликда фаолият юретишдан олинган даромад 10 000 минг сўми ташкил этган. Шартномага кўра биргаликда фаолият юретишдан олинган даромад иштирокчилар ўртасида куйидагича тақсимланган:

- даромаднинг 60%и (6 000 минг сўм) «А» корхонасига тегишли;
- даромаднинг 40%и (4 000 минг сўм) «Б» корхонасига тегишли.

Биргаликда фаолият юретишдан олинган даромад суммаси корхоналарнинг бошқа даромадлари таркибига киритилган ва унга ЯСТ солинган.

Оддий ширкат шартномасининг амал қилиши тугатилган ва мол-мулк шерикларга (иштирокчиларга) қайтарилган тақдирда куйидагиларни инобатга олишингиз керак эди:

- бошланғич ҳисса миқдори доирасида қелиб тушган мол-мулк ва мулклий ҳуқуқлар шерикнинг (иштирокчининг) даромад-

лари таркибига киритилмайди;

- қайтарилаётган мол-мулк қиймати ва оддий ширкат шартномаси бўйича илгари берилган ушбу мол-мулк қиймати ўртасидаги салбий фарқ солиқ солиш мақсадида зарар деб тан олинмайди ва солиқ солинадиган базани камайтирмайди.

### **Олинган жарималар ва пенялар кўринишидаги даромадлар**

Учинчи шахслардан олинган жарималар ва пеняларни даромад сифатида тан олишингиз ва ЯСТ бўйича солиқ солинадиган базага киритишингиз керак эди. Бу ҳали олинмаган, бироқ қарздор томонидан тан олинган жарималар ва пеняларга ҳам тегишли. Тан олганликни қарздор томонидан имзоланган

ҳужжат (масалан, солиштириш далолатномаси) ёки қонуний кучга кирган суд ҳужжати тасдиқлайди. Қарздор молиявий санкциялар суммаларини тан олган ёки суд қарори кучга кирган санадаги даромадни акс эттиришингиз керак эди.

#### **МИСОЛ. Қарздор тан олган жарима кўринишидаги даромадни аниқлаш**

Харидор тўлов мuddатларига риоя этмаганлиги муносабати билан октябрь ойида солиштириш далолатномасини имзолаган, унга кўра ЯСТ тўловчи етказиб берувчига 5 БҲМга (базавий ҳисоблаш миқдори) тенг жарима тўлашга розиллик билдирган. Харидор солиштириш далолатномасини имзолаб, бу билан жарима тўлаш мажбуриятини тан олганлиги сабабли етказиб берувчи IV чорак учун ЯСТ ҳисоб-китобида 1 115 минг сўм (223 х 5) миқдоридеги жарима суммасини бошқа даромад сифатида акс эттириши керак эди.

### **Роялти кўринишидаги даромадлар**

Роялти – турли интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлик ёхуд улардан фойдаланиш ҳуқуқини берганлик учун олинган даромад. Уларга куйидагилар киради (Солиқ кодексининг 22-моддаси):

- фан, адабиёт ва санъат асарлари;
- компьютер дастурлари;
- саноат мулки объектига, товар белгисига, савдо маркасига, дизайн ёки моделга, режага, махфий формула ёки жараёнга

бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи патентлар (ғувоҳномалар) ёхуд ахборот (ноу-хау) ва ҳ.к.

Интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқлар ва уларга тенглаштирилган хусусий аломатларни акс эттирувчи воситалар муаллифлик ёки лицензия шартномаси, тижорат концессия шартномаси (франчайзинг) ва бошқалар асосида бошқа шахсларга тақдим этилиши мумкин.

#### **МИСОЛ. Роялти кўринишидаги даромадни аниқлаш**

ЯСТ тўловчи қурилиш корхонаси (фоиданзар) лицензия шартномасига кўра бинолар пойдеворини мустаҳкамлаш усули ихтисосига бўлган патентдан фойдаланиш ҳуқуқини 2 йилга тақдим этган. Шартномага кўра лицензиятага номултак, яъни фақат ўз эҳтишжлари учун фойдаланиш ҳуқуқи тақдим этилган. Шартномада лицензиат патентдан фойдаланганлик учун лицензиярга ҳар чоракда 5 000 минг сўм миқдоридеги ҳақ тўлаши назарда тутилган.

Лицензияр корхона ҳар чоракда 5 000 минг сўм миқдоридеги роялти кўринишидаги даромадни тан олиши ва унга ЯСТ солиши керак эди.

### **Дивидендлар ва фойзалар кўринишидаги даромадлар**

Дивидендлар ва фойзалар – мол-мулкни акциялар (улушлар), қимматли қоғозлар, депозит кўйилмалар ва бошқа қарз мажбуриятларига кўйишдан олинган даромадлар.

Юридик шахс тугатилганда мол-мулкни тақсимлашдан олинган, шунингдек маусис (иштирокчи, аъзо) томонидан юридик шахсда иштирок этиш улушини (пайини, ҳиссасини) олгандаги даромадлар ҳам, бундан у устав фондига (устав

капиталига) ҳисса сифатида киритган мол-мулкнинг қиймати чегирилади, дивидендлар деб тан олинади (Солиқ кодексининг 22-моддаси).

Дивидендлар ва фойзалар тўлов манбаида солиқ солинади. Шу сабабли уларни жами даромад таркибидеги ҳисобга олиши, бироқ ЯСТни ҳисоблаш чоғида солиқ солинадиган базадан чегирини керак эди.

#### **МИСОЛ. Дивидендлар кўринишидаги даромадларни аниқлаш**

«А» корхонаси «Б» корхонасининг устав капиталига 30%лик улушга эга. Маусисларнинг умумий йилгилиши 50 000 минг сўм миқдоридеги соф фойданинг бир қисмини дивидендларни тўлаш учун йўналтиришга қарор қилган. «А» корхонасини улуши 30%га тенг эканлиги сабабли унга тўланиши лозим бўлган дивидендлар миқдори 15 000 минг сўми (50 000 х 30%) ташкил этади. Дивидендлар кўринишидаги даромадларга тўлов манбаида солиқ солинади. Шу сабабли «А» корхонаси, дивидендлар тўлаш манбаи сифатида, уларни тўлаш чоғида солиқ ушлаб қолган ва қолган суммани «А» корхонасига ўтказган. «А» корхонаси, ўз наъбатидеги, унга ҳисобланган дивидендлар суммасини (15 000 минг сўм) жами даромадга киритган, бироқ ЯСТни ҳисоблаш чоғида солиқ солинадиган базага киритмаган, сабаби тўлаш чоғида уларга солиқ солинган.

Давоми бор.

Ирина АХМЕТОВА, «Norma» МЧЖ эксперти.



Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

# Ҳурматли корхона ва ташкилотларнинг раҳбар ва бухгалтерлари!

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси барча микрофирма ва кичик корхоналар томонидан тақдим этиладиган **1-KB shakli (йиллик) «Микрофирма ва кичик корхонанинг 2019 йил учун ҳисоботи»ни 26 февралдан кечиктирмай тақдим этиш лозимлигини эслатади.**

**Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар ҳисоботи 26 мартдан кечиктирмай тақдим этиладилар.**

Микрофирма ва кичик корхоналарнинг асосий фаолият турларига қараб **1-KB shakli (йиллик)** давлат статистика ҳисоботиغا иловалар рўйхати:

Ҳисобот шакли номи	Ҳисобот номи	Тақдим этиладилар	Тақдим этиш муддати
1-KB shakli (йиллик)	Микрофирма ва кичик корхонанинг 2019 йил учун ҳисоботи	Микрофирма ва кичик корхоналар (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари) Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги микрофирма ва кичик корхоналар	2020 йил 26 февралдан кечиктирмай 2020 йил 26 мартдан кечиктирмай
1-KB shakliga ilova (QM)	Кичик қурилиш ташкилотлари ва микрофирмаларда мавжуд қурилиш машина ва механизмлар тўғрисидаги 2019 йил учун ҳисобот	Қурилиш соҳасида фаолият кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхоналар (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари) Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги қурилиш соҳасида фаолият кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхоналар	26 февралдан кечиктирмай 2020 йил 26 мартдан кечиктирмай
1-KB shakliga ilova (qurilish)	Объектлар, қувватларни ишга тушириш ва уларнинг қурилишига йўналтирилган инвестициялардан фойдаланиш тўғрисида 2019 йил учун ҳисобот	Бино ва иншоотлар қурилишига инвестицияларни амалга оширувчи микрофирма ва кичик корхоналар чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари) Бино ва иншоотлар қурилишига инвестицияларни амалга оширувчи чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги микрофирма ва кичик корхоналар	2020 йил 26 февралдан кечиктирмай 2020 йил 26 мартдан кечиктирмай
1-KB shakliga ilova (TIF)	Экспорт-импорт тўғрисида 2019 йил учун ҳисобот	Хизматлар экспорти ва импорти ҳамда давлат чегарасини кесиб ўтмайдиган товарлар экспорт-импорти билан шуғулланувчи микрофирма ва кичик корхоналар	2020 йил 26 мартдан кечиктирмай
1-KB shakliga ilova (sanoat)	Оқава сувларни марказлаштирилган ҳолда чиқариб юборишни, обдонлаштириш ва ёритиш ишларини амалга оширувчи, аҳолига ва маиший-коммунал эҳтиёжларга сув, иссиқлик энергияси ҳамда иссиқ сув етказиб берувчи микрофирма ва кичик корхоналарнинг 2019 йил учун ҳисоботи	Оқава сувларни марказлаштирилган ҳолда чиқариб юборишни, обдонлаштириш ва ёритиш ишларини амалга оширувчи, аҳолига ва маиший-коммунал эҳтиёжларга сув, иссиқлик энергияси ҳамда иссиқ сув берувчи микрофирма ва кичик корхоналардан ташқари) Чет эл инвестициялари ҳамда хорижий сармоя иштирокидаги оқава сувларни марказлаштирилган ҳолда чиқариб юборишни, обдонлаштириш ва ёритиш ишларини амалга оширувчи, аҳолига ва маиший-коммунал эҳтиёжларга сув, иссиқлик энергияси ҳамда иссиқ сув берувчи микрофирма ва кичик корхоналарнинг 2019 йил учун ҳисоботи	2020 йил 26 февралдан кечиктирмай
1-KB shakliga ilova (QX)	Микрофирма ва кичик корхонанинг қишлоқ хўжалиги фаолияти тўғрисида 2019 йил учун ҳисоботи	Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи микрофирма ва кичик корхоналар (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари)	2020 йил 26 февралдан кечиктирмай
1-KB shakliga ilova (EKO)	Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида микрофирма ва кичик корхонанинг 2019 йил учун ҳисоботи	Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи микрофирма ва кичик корхоналар Атмосфера ҳавосини ифлослантувчи стационар манбаларга эга, токсик ва нотоксик чиқиндилар ҳосил қиладиган ташкилотлар (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари)	2020 йил 26 мартдан кечиктирмай 2020 йил 26 февралдан кечиктирмай

Ҳисобот шакли номи	Ҳисобот номи	Тақдим этиладилар	Тақдим этиш муддати
		Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги атмосфера ҳавосини ифлослантувчи стационар манбаларга эга, токсик ва нотоксик чиқиндилар ҳосил қиладиган ташкилотлар, микрофирма ва кичик корхоналар	2020 йил 26 мартдан кечиктирмай
1-KB shakliga ilova (AKT)	Ахборот-коммуникация технологиялари тўғрисида 2019 йил учун ҳисобот	Маълумотлар узатиш тармоғида, Интернетни қўшган ҳолда, хизмат кўрсатиш учун лицензияга эга бўлган микрофирма ва кичик корхоналар (провайдерлар, операторлар, хостинг марказлари ва бошқалар) (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари)	2020 йил 26 февралдан кечиктирмай
1-KB shakliga ilova (tib)	Аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхона фаолияти тўғрисида 2019 йил учун ҳисобот	Маълумотлар узатиш тармоғида, Интернетни қўшган ҳолда, хизмат кўрсатиш учун лицензияга эга бўлган микрофирма ва кичик корхоналар (провайдерлар, операторлар, хостинг марказлари ва бошқалар) чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги микрофирма ва кичик корхоналар	2020 йил 26 мартдан кечиктирмай
1-KB shakliga ilova (tur)	Ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш ва жойлаштириш тўғрисида микрофирма ва кичик корхонанинг 2019 йил учун ҳисоботи	Аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхоналар Сайёҳлик-экскурсия ва жойлаштириш (жамоавий жойлаштириш воситалари) хизматларини кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхоналар (чет эл инвестициялари ва чет эл капитали иштирокидаги корхоналардан ташқари) Сайёҳлик-экскурсия ва жойлаштириш (жамоавий жойлаштириш воситалари) хизматларини кўрсатувчи чет эл инвестициялари ва чет эл капитали иштирокидаги микрофирма ва кичик корхоналар	2020 йил 26 мартдан кечиктирмай 2020 йил 12 мартдан кечиктирмай 2020 йил 26 мартдан кечиктирмай

Ҳисобот Интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда йиғиш автоматлаштирилган тизими **eStat 3.0** орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этилади. Давлат статистика ҳисоботларининг электрон шакллари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг [www.stat.uz](http://www.stat.uz) расмий сайтида жойлаштирилган.

**Нотижорат ташкилотлари 2019 йил учун йиллик давлат статистика ҳисоботларини куйидаги муддатларда тақдим этиладилар:**

Ҳисобот шакли номи	Ҳисобот номи	Тақдим этиш муддати	Тақдим этиладилар
1-notijorat shakli	«Нотижорат ташкилотининг фаолияти тўғрисида 2019 йил учун ҳисобот»	14 февралдан кечиктирмай	Нотижорат ташкилотлари (жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нодавлат муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари (ХУМШ)дан ташқари)
1-NNT shakli	«Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти тўғрисида 2019 йил учун ҳисобот»	2 мартдан кечиктирмай	Жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нодавлат муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

**Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари 3-конт шакли (йиллик)** «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолияти тўғрисида 2019 йил учун ҳисобот» давлат статистика ҳисоботини **2019 йил 25 февралдан кечиктирмай** топширишлари лозим.

Ҳисоботлар Интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда йиғиш автоматлаштирилган тизими **eStat 3.0** орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этилади. Давлат статистика ҳисоботларининг электрон шакллари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг [www.stat.uz](http://www.stat.uz) расмий сайтида жойлаштирилган.

Ҳисоботларни тўлдириш ва тақдим этишга доир саволлар билан статистика туман бўлиmlари ёки Тошкент шаҳар статистика бошқармасига мурожаат қилиш мумкин.

**Тошкент шаҳар статистика бошқармаси**  
**Маълумот учун телефонлар: (71) 230-88-27, 230-88-15, 230-88-25, 230-88-29, 230-88-26, 230-88-09.**



## 2020 йилги жамоа шартномаси: нималар ўзгарди

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан қонун ҳужжатларига киритилган ўзгаришлар ва аъзолик ташкилотларининг таклифлари асосида 2020 йил учун жамоа шартномасининг янгиланган Умумий макети ишлаб чиқилди (<https://kasaba.uz/ru/razrabotan-obshhhij-maket-kollektivnogo-dogovora-na-2020-god/>).

Хусусан, «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонунга асосан қатор ўзгаришлар киритилди. Улар куйидагиларга тааллуқлидир:

➢ касаба уюшмалари вакиллари ўз устав мажбуриятларини бажаришлари учун иш жойларига ҳеч бир тўсиқларсиз келишига;

➢ касаба уюшмаларининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши юзасидан иш жойларини жамоатчилик назоратидан ўтказиш ҳуқуқига;

➢ ходимларнинг ёзма аризалари асосида иш ҳақидан камида 1% миқдоридagi касаба уюшмаси аъзолик бадаллари бухгалтерия орқали ушлаб қолинишининг иш берувчи томонидан кафолатланишига;

➢ асосий ишдан озод қилинмаган меҳнаткашлар вакилларига меҳнат жамоасининг манфаатларини кўзлаб жомаатчилик вазифаларини бажариши учун ҳар ҳафталик иш вақтининг 30%идан кам бўлмаган вақт берилиши;

➢ касаба уюшмаларининг жамоа музокаларини юритиш, ходимларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда уларнинг номидан жамоа шартномаларини тузиш, шунингдек унинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга бўлган устун ҳуқуқларига. Шунингдек Президентнинг «Одам савдосига ва

мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (30.07.2019 йилдаги ПФ-5775-сон) талаблари иш берувчи томонидан сўзсиз бажарилиши назарда тутилади. Иш берувчи ходимларни мажбурий меҳнатга, шу жумладан ҳудудларни ободонлаштириш бўйича турли ишларга, шунингдек қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этиши тақиқланади.

Макетга Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнат бозорида меҳнат муносабатларини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан (6.09.2019 йилдаги 743-сон) келиб чиққан ҳолда куйидаги нормалар киритилди:

➢ табиий-иқлим шароитлари оғир ва қоулай бўлган жойларда ишлаганлик учун ходимларга ҳар йили бериладиган қўшимча таътиллار тақдим этиш ва устама ҳақ тўлаш;

➢ кўча ва қатнаш тусидаги ишлар учун устамалар;

➢ ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффициентлари.

Ижтимоий сугурта ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўлимида илк марта куйидагилар назарда тутилган:

➢ қарамоғида ногирон боласи бўлган ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш;

➢ соҳа касаба уюшмалари томонидан ташкил этилган спорт тадбирларида иш ҳақи сақланган ҳолда иштирок этиш учун ходимларни ишдан озод этиш;

➢ доимий турар жойга эга бўлмаган ходимларга турар жой ижараси харажатлари учун компенсация бериш.

Макетда меҳнат муносабатларидаги гендер жиҳатларни тўлиқ ҳисобга олиш мақсадида «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ куйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш назарда тутилган:

➢ хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини қорхонанинг ва унинг таркибий бўлинмаларининг ваколатли шахси зиммасига юклатиш;

➢ ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш;

➢ хотин-қизлар ва эркеклар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенглики бартараф этиш.

Халқаро меҳнат ташкилотининг «Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркеклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисида»ги 100-сон Конвенциясига (Женёва, 29.06.1951 йил) мувофиқ макетда бир хилдаги, бироқ турли шароитларда турли қобилият ва кўникмалардан фойдаланган ҳолда бажарилган ишлар учун эркеклар ва аёлларга тенг ҳақ тўлаш назарда тутилган.

norma.uz

## Қисқартиришда компенсация тўловлари

Қисқартиришга тушган ходим 2 ой олдин огоҳлантирилди ва унга мавжуд вақант жой таклиф этилди. У ёзма равишда вақант жойдан ҳам, 2 ой ишлаб беришдан ҳам воз кечди. Унга тўланиши лозим бўлган ҳақлар ҳисобланган ҳолда қисқартириш тўғрисида буйруқ чиқарилди. Ишдан бўшатиладиган кейин 5-кунли ходим меҳнат биржасида рўйхатга турди ва маълумотнома келтирди. Қорхона унга ўртача ойлик маошида ҳақ тўлаши керак.

Меҳнат биржаси томонидан берилган маълумотнома асосида қорхона қўшимча тўловга буйруқ чиқариши керакми ёки ҳақ тўлаш учун уни бухгалтерияга топширишнинг ўзи етарли бўладими?

– Қисқартиришга тушган ходимга иккинчи ва учинчи ойлар учун қўшимча тўлов тўлашга буйруқ чиқариш-чиқармаслик меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқ қандай расмийлаштирилганига боғлиқ.

Агар ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқда мазкур асосга биноан меҳнат шартномасини бекор қилиш билан боғлиқ барча тўловлар назарда тутилган бўлса, у ҳолда қўшимча буйруқни чиқариш керак эмас.

Иккинчи ой учун тўлов олиш учун (МКнинг 67-моддаси) ходим ишга жойлашмаганлиги далилини тасдиқлаши ҳамда бухгалтерияга меҳнат дафтарчасини тақдим этиши (янги иш жойи бўйича ёзувлар мавжуд эмаслигини тасдиқлаш мақсадида меҳнат дафтарчасининг нусхасидан кўчирма олса ҳам бўлади) ва ариза ёзиши kifroy қилади.

Учинчи ой учун (МКнинг 67-моддаси) ҳам ходимга олдинги иш жойи бўйича ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади. Бунинг учун меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин 10 календарь кун давомида уни Бандликка кўмаклашиш марказида (БКМ) рўйхатдан ўтказиш мажбурий талаблардан ҳисобланади (Низом, АВ томонидан 13.10.1999 йилда 831-сон билан рўйхатдан ўтказилган). Учинчи ой учун ўртача ойлик иш ҳақини олиш учун собиқ ходим БКМнинг маълумотномасини, ариза ва меҳнат дафтарчасини (ёки унинг нусхасини) тақдим этиши керак.

Агар ишдан бўшатиш буйруғида қўшимча тўловлар назарда тутилган бўлса – юқорида келтирилган ҳужжатлар асосида ҳар бир тўлов бўйича буйруқ чиқариб, уни бухгалтерияга ижро учун беришни тавсия этамиз.

Ходим бир ой давомида ишхонада бўлмади. Табелда «Номаълум сабабларга кўра келмади» деб ёзилди. Келгуси ойда унинг қариндоши ходимнинг онкология ва радиология бўлимида даволангани тўғрисида касаллик тарихидан кўчирма нусхасини келтирди, лекин касаллик варақасини бергани йўқ.

Касаллик варақаси бўлмаган ишга келмаган ходимга фақатгина касалхонанинг кўчирмаси асосида компенсация тўлаш мумкинми?

## Касаллик бўйича нафақа олиш учун асос

– Йўқ, мумкин эмас.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси ходимга даволаш муассасаси томонидан берилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асосида тўланади (Низомнинг 10-банди, АВ томонидан 8.05.2002 йилда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган). Стационар даволашида (касалхонада) бўлган вақт учун вақтинча меҳнат-

га лаёқатсизлик варақаси ушбу даволаш муассасасида расмийлаштирилади ва берилади. Амбулатор даволашида эса уни яшаш жойидаги даволаш муассасаси (поликлиника) беради.

Шу тариқа, ходимнинг касаллик тарихидан кўчирмалар вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини тўлаш учун асос бўла олмайд.

## Ички ўриндошлик: расмийлаштиришдаги ўзига хос хусусиятлар

Ходимни ўзининг асосий мажбуриятларидан озод қилмаган ҳолда вақант лавозимга вақтинча ўтказиш мумкинми?

– Асосий мажбуриятларидан озод қилмаган ҳолда:

1) ходимни унинг розилигига кўра ўзининг асосий ишдан ташқари, вақант лавозим бўйича қўшимча мажбуриятларни бажаришга жалб этиш мумкин. Бунда мансаб маошига қўшимча ҳақ тўланади (МКнинг 160-моддаси). Бундай иш асосий иш билан бир вақтда бажарилади ва меҳнат шартномасига ўзгаришлар киритишни талаб қилмайди. Қўшимча тўловнинг миқдорини белгиланган ҳолда қўшимча мажбуриятлар юқланиши тўғрисидаги буйруқни чиқаришнинг ўзи kifroy;

2) қўшимча мажбуриятларни асосий иш вақтидан бўшаган пайтларда бажарган тақдирда, ходим билан ўриндошлик бўйича ишлаш тўғрисида иккинчи меҳнат шартномасини тузиш мумкин. Унда шартноманинг турини кўрсатиш зарур (ўриндошлик бўйича) (МКнинг 160-моддаси; Низомнинг 5-банди, ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарорига 1-илова), ставка миқдорини (меҳнатга ҳақ тўлаш), иш вақти режимини белгилаш керак. Бу ҳолда ходимга иккинчи таъабел рақами берилади. Таъабел 2 лавозим бўйича алоҳида-алоҳида юритилади: асосий иш ва ўриндошлик бўйича.

Валерия Ляндрес, кадрлар хизмати ходими.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ  
СОЛИКЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Норма» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир  
Фарҳод Собирович  
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –  
бош муҳаррир  
ўринбосари,  
масъул котиб  
Нодир Носирович  
АЛИМОВ

Саҳифаловчи  
Наталья  
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1,  
Таҳририят тел. (71) 200-00-90  
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30  
E-mail: sbx@norma.uz,  
gazeta@norma.uz,  
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,  
газеталарнинг электрон версияларини  
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари  
буйича (71) 200-00-30;  
«Норма» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;  
Рекламини жойлаштириш бўйича  
(71) 231-07-91 телефон рақамларига  
муурожаат қилиш мумкин.

Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
Нашр курсатиши – 186. Қўбоғ бичими – А3. Ҳажми – 2 босма таъабел. Баҳою келишилган нарҳда.  
Буюртма r-122. Адади 640. Газета 2020 йил 27 январь соат 15.00 да топширилди.